

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма еттинчи кисм)

Муаллиф:

07.08.2013 18:50 - Янгиланди 30.06.2017 23:02

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

Шоядки, такводор бўлсаларингиз

Йигирма еттинчи кисм

«Албатта, такводорлар жаннатлар ва нозу неъматлар ичидадирлар». (Тур сураси, 17-оят)

«Улар кичик гунохлардан бошка катта гунохлар ва фахш ишлардан четда бўладиганлардир. Албатта, Роббинг магфирати кенг Зотдир. У сизларни тупрокдан пайдо қилганда ҳам, оналарингиз қоринларида хомилалик чоғингизни ҳам яхши билувчидир. Шундоқ экан, ўзингизни оқламанг, У ким такводорлигини яхши биладир». (Нажм сураси, 32-оят)

«Албатта, такводорлар жаннату анхорлардадирлар». (Комар сураси, 54-оят)

Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма еттинчи қисм)

Муаллиф:

07.08.2013 18:50 - Янгиланди 30.06.2017 23:02

Демак, кофирлар бу дунёда қилган гунохлари учун азоб-укубатли дўзахда қуйиб турган бир пайтда такводорлар охиратда дарахт-лари остидан анхорлар оқиб турган жаннатларда, Аллох таолонинг хузурида абадий роҳат ва фарогатда бўлар эканлар.

«Эй, иймон келтирганлар! Аллохга такво қилинглари ва Унинг Пайгамбарига иймон келтиринглари. У Зот Ўз раҳматидан сизларга икки хисса берадир ва сизларнинг юришингизга нур берадир ҳамда сизларни мағфират қиладир. Аллох кечирувчи, раҳмли Зотдир». *(Ҳадид сураси, 28-оят)*

«Аллохга такво қилинглари ва Унинг Пайгамбарига иймон келтиринглари».

Иймон келтирган бўлганидан кейин, албатта, такво қилиш керак. Таквосиз иш битмайди. Шунингдек, Аллохга иймон келтириб, У Зотга такво қилишнинг асосида У Зотнинг Пайгамбари Мухаммад алайҳиссаломга иймон келтириш ҳам бор. Бусиз мутлақо мумкин эмас.

Агар қим Аллохга иймон келтириб, У Зотга такво қилиб ва У Зотнинг Пайгамбари Мухаммад алайҳиссаломга иймон келтирса, унга Аллох таоло муқофот беради.

Аллох, Сенга такво қиламиз ва Пайгамбаринг Мухаммад алайҳиссаломга итоат қиламиз, бизларни гунохлардан ва фахш ишлардан четда қилгин. Бизларга жаннату анхорлар, нозу неъматлар ичида бўлишимизни насиб айлагин.